# МУСТАҚИЛЛИК МУБОРАК, ЭЙ АЗИЗ ЮРТИМ!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 28 август • № 34 (653)


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон – **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:

**Иброгимов Комил** – «Навоий иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш техника бўлими смена бошлиғи, Навоий вилояти

**Нарзиев Тўра Икромович** – «Аму-Бухороканалкурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 4-кўчма механизациялашган жамланма экскаваторчиси, Бухоро вилояти

**Туйчиев Алим Исмаилович** – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрда пўлат эритиш цехи эритувчиси, Тошкент вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 август.



Иброгимов Комил



Нарзиев Тўра Икромович



Туйчиев Алим Исмаилович

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»**

**Маркелов Владимир Федорович** – Навоий вилояти, Навоий шаҳар тери касалликлари диспансери бош врачи

**Нажмиддинова Дилбар Қамариддиновна** – Тошкент тиббиёт академияси илмий ишлар бўйича проректори

**Йўлдошев Фурқат Абдисодиқович** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази анестезиология-реанимация бўлими катта илмий ходими

*Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Зарипова Рўза** – Хоразм вилояти онкология диспансери врач-химиотерапевти

**(Давоми 2-бетда).**

## ВАТАН – СИЙРАТИМДА ҲАЙРАТСАН, НУРСАН




*Ватан – сийратимда ҳайратсан, нурсан,*
*Ватан – ботинимда гўдакдек ҳурсан.*
*Кўнгилдан вулқондек отилган меҳр,*
*Ватан деб инграсам, қалбда гурурсан.*
*Қонимда сингиган сенинг висолинг,*
*Жонимга сингиган соғинч хаёлинг.*

*Мен сенсиз яшашга эмасман қодир,*
*Менга буюк қанот эрур камолинг.*
*Сен менинг файзли ўтган ҳар оним,*
*Эътиқод, имконим, юксаклик, шоним.*
*Истиқбол байроғин баланд кўтаргум,*
*Истиқболи ойдин Ўзбекистоним!*

*Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига*

## ЮРТИМ ЮРАГИСАН АЗИМ ТОШКЕНТИМ

*Хуш келибсиз, меҳмонлар,*
*Тошкентим, маконимга,*
*Осиёда барқарор, тилларда*
*достонимга!*
*Қадимий, ёш, навқирон,*
*гуллаган бўстонимга,*
*Истиқлолнинг нури-ла*
*машҳури жаҳонимга,*
*Адолат, Ҳақ посбони,*
*кўкраги қалқонимга,*
*Меҳрингиздан яйраган*
*жисмим аро жонимга!*

*Кутдик сизни интизор,*
*битиб ялла ва ашъор,*
*Ёздик не хуш неъмат бор,*
*қаранг дастурхонимга!*
*Ой, қуёшли шаҳримиз,*
*очилиб дил баҳримиз,*
*Ўзбекистон тутар гул,*
*сиз дўсту ёронимга!*
*Создир танбур, дуторлар,*
*келинг меҳри офтоблар,*
*Бирга алёр айтамиз ҳур,*
*озод давронимга!*
*Велком, Хуш омадед,*
*қадрдонлар, марҳабо,*
*Ўзбекистон, Бошкентим,*
*жисмим аро жонимга!*

*Хуш келибсиз, меҳмонлар,*
*Тошкентим, маконимга,*
*Олам аҳли тан олган,*
*бағри кенг уммонимга!*
*Осмонўпар қасрлар,*
*кошона, айвонимга,*
*Равон йўллар, кўприклар,*
*обод хиёбонимга,*
*Уни кўрган ақли лол,*
*минг бора ҳайронимга,*
*Йўлбошчиси мард, танти,*
*мусаффо осмонимга!*

**Искандар РАҲМОН.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

**Қаимова Мукаррам** – Наманган вилоят болалар сил касалликлари санаторияси ҳамшираси

**Шоназаров Эркинжон** – Сирдарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази оториноларингология (ЛОР) бўлими мудири

*Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

**Асатова Муяссар** – Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри

**Наврўзова Шакар Истамовна** – Бухоро давлат тиббиёт институти «Болалар касалликлари ва неонатология» кафедраси мудири

**Сапарниязова Рамиза Толибаевна** – Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзак тумани «Қораўзак» қишлоқ врачлик пункти мудираси

**Холмуродов Музаффар** – Самарқанд вилояти, Нарпай туман марказий шифохонаси болалар бўлими мудири

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Шуҳрат» медали билан**

**Абдураҳмонова Мукаррам Исҳоқовна** – Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази микрохирургия бўлими катта ҳамшираси

**Раҳимова Диловар Бақоевна** – Бухоро вилояти, Шофиркон туман тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси

**Тўраева Раъно Абдихалиловна** – Қашқадарё вилояти, Ғузор туман тиббиёт бирлашмаси «Савбоғ» қишлоқ врачлик пункти мудираси

**Турсунов Қаҳрамон Ражабович** – Тошкент тиббиёт академияси ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти

**Йўлибоева Холбуви Жўраевна** – Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси жарроҳлик бўлими ҳамшираси

**Юнусова Соҳибахон Расулжоновна** – Жиззах вилояти, Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмаси «Ипак йўли» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врачи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 август.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан**

**Зуфаров Миржамол Мирумарович** – Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори ўринбосари, Тошкент шаҳри

**Каримов Расул Юлдашевич** – Сирдарё вилояти кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори

**Турсунов Сайфиддин Юнусович** – Андижон давлат тиббиёт институти ички касалликлар пропедевтика кафедрасининг терапия курси мудири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 26 август.

*Ҳамкорлик*

# ОНАЛАР ВА БОЛАЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

***Жорий йилнинг 27 август куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Япония ҳукумати томонидан «Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш» бўйича лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

***Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасадди раҳбарлари, Япония ҳукумати вакиллари, юртимиздаги тиббиёт марказлари директорлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.***



Тадбирнинг очилиш қисмида сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазири А. Икрамов ҳамда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ц. Хираока юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, мақсадли лойиҳалар ва жорий этилаётган замонавий технологияларнинг бу борадаги аҳамияти хусусида гапирар экан, жумладан, мазкур лойиҳа бўйича Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг қайтадан таъмирланиб, тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланганлигини таъкидлаб ўтишди.

Давлатимиз раҳбарининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонига биноан ташкил этилган мазкур илмий-амалий тиббиёт маркази 10 та бўлимни ўз ичига олган бўлиб, бир кунда 400 нафардан зиёд беморни қабул қилувчи поликлиникадан иборат. Айни кунда муассасада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари такомиллашган бўлиб, ушбу жараёнда барча тиббиёт ходимлари Фармон ва Қарор ижросини таъминлаш йўлида изчиллик билан меҳнат қилмоқдалар. Давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ таъмирдан чиқарилган марказ бўлимлари Япония ҳукуматининг беғараз ёрдами туфайли тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Жумладан, операция блоки, диагностика ва даволаш хоналари замон талабидаги аппаратураларни ўз ичига олади.

Ташриф буюрувчилар лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар билан танишар экан, она ва бола саломатлиги учун яратилган бундай қулайлик ва имкониятлар узоқ йиллар ўз самарасини бериши ва бу Мустақиллик айёми олди байрам туҳфаси эканлигини таъкидлашди.

**Тадбир сўнгида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли лойиҳаларга қаратилган фаолиятларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.**

**Намоз ТОЛИПОВ.**
**Сурат муаллифи Собир МАЖИДОВ.**

*Эътироф*

# ҚАЛБЛАРДА ЖЎШ УРАР ВАТАН ТУЙҒУСИ

***Фахр ва ифтихор билан айтиш жоизки, мустақиллик шарофати ила республика тиббиёт тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўлиб, аҳоли саломатлиги йўлида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу албатта Юртбошимизнинг инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига бўлган эътибор ҳамда ғамхўрлигининг энг муҳим жиҳатларидан биридир.***

Зеро, истиқлолимизнинг яна бир кенг имкониятларидан соҳада фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари меҳнатига бўлган эътироф ҳам бундан мустасно эмас. Айниқса, ана шундай бағри кенг юртда яшаб, ўз эркинг ва ўз ҳуқуқингга эга бўлишдан ортиқ бахт бормикин. Бунинг ифодаси сифатида айтиш мумкинки, тизимда фаолият олиб бораётган хамкасбларимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлаётганликлари, шунингдек, хорижий давлатларда бўлиб, илмий салоҳият бобида уларга тенглашаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг барча ҳамкасбларим қатори мен ҳам дунёнинг бир қатор мамлакатлари, жумладан Швейцария, Туркия, Швеция, Австрия, Италия, Испания, Франция, Португалия ва бошқа ўнлаб хорижий давлатларда бўлдим. У ерларда ўтказилган нуфузли анжуманларда иштирок этар эканман, ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг ҳам жаҳон тиббиётида ўз ўрнига эга эканлигини кўриб, бор вужудим ила қалбим фахрга тўлди. Мазкур давлатларда сафар хизматларида бўлсамда, ҳар сония Ватан туйғуси, мустақил Ўзбекистонимизнинг бир сиқим тупроқ иси, киндик қоним тўкилган Она заминим соғинчи ўзига чорлаб, юртим томон интиламан. Ҳақиқатан ҳам хорижга борган одам ўзи туғилиб ўсган юртини тез соғиниб, Ватан туйғуси нақадар буюк туйғу эканлигини дилдан ҳис этади.

Дарҳақиқат, мустақил давлатимиз ўзининг 18 йиллигини нишонлар экан, тез орада ўтган бу фурсат тарих зарварақларида зарҳал ҳарфлар билан битилиб, ҳар бир соҳада қанчадан-қанча нуфузли ўзгаришлар ўз ифодасини топди. Шунингдек, юртимизнинг ушбу байрами арафасида кўҳна, тарихга бой Тошкент шаҳримизнинг 2200 йиллигининг нишонланиши ҳам ҳар биримизни эзгу туйғулар сари чорлаётганлиги эртанги келажагимизниниг янада порлоқ эканлигини ифода этмоқда. Ана шундай замин фарзандлари эканлигимиздан ҳақли равишда фахрланган ҳолда она юртимиз фаровонлиги, тинчлиги ва гуллаб яшнаши учун астойидил хизмат қилишимиз ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳримизнинг 2200 йиллиги билан барча юртдошларимни самимий қутлайман. Истиқлол берган имконият ҳар бир хонадонга файзу тароват ҳамда барака олиб келишини тилаб қоламан.

**Озод НАЗАРОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

*Юртимиз шифохоналарида*

# БОЛАЛАР ҚУВОНЧИГА ЭРИШИШ – ОЛИЙ БАХТ



***Ҳар бир оиланинг бахти – фарзандлар қувончи билан янада файзли. Чунки, миллийлигимизга хос бўлган азалий одат борки, бу болаларча ғамхўрлик, меҳрибонлик ва меҳр-муҳаббат риштлари пойдевори қанчалик мустаҳкам эканлигидан далолат беради. Ана шундай фазилатларни ўзида мужассам этган ота-она фарзанди камолини кўришга ошиқиб, унинг бирор бир дардга чалиниб қолмаслиги учун бор имконият ва шароитларни яратишга ҳаракат қилади. Аммо... иссиқ жоннинг иситмаси бор. Агарда боламизнинг бирор жойи оғриб қийналганини кўрсак, аввало тиббиёт ходимлари ёрдамига умидвор бўламиз...***

***Кўплаб оилаларга қувонч ва шодлик аталмиш буюк неъматни қайта бахш этаётган Тошкент шаҳар 4-сон юқумли касалликлар клиник шифохонаси ходимларининг ҳам бу борадаги меҳнатлари эътиборга лойиқ эканлигини таҳририятимизга келаётган миннатдорчилик мактубларидан ҳам кўриш мумкин. Мазкур тиббиёт муассасасидаги фаолиятларни янада кенгроқ ёритиш мақсадида бош шифокор Мактуба Иноятова билан суҳбатда бўлдик.***



**– Мактуба Василовна, сиз раҳбарлик қилаётган шифохонанинг бугунги қиёфаси аввалги ҳолатидан бутунлай фарқ қилади? Бу албатта, тиббиёт ислоҳотларининг янги истиқбол сари ривожланаётганидан далолат, шундай эмасми?**

– Албатта, ҳар бир соҳада бўлгани каби тиббиёт тизими ҳам давр билан ҳамоҳанг равишда ўзгариб бормоқда. Техника тараққиётининг яна бир мўъжизаси шундаки, унда инсон ҳаётини сақлаб қолишдек мураккаб вазиятлар тезкор ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида узил-кесил ҳал этилмоқда. Айниқса, дунёга келаётган фарзанд соғлигини назорат қилиш ва даволаш ишлари бугунги тиббиёт ривожининг бош омилига айланиб бормоқда. Шу ўринда шифохона тарихига эътибор қаратмоқчиман. 1937 йиллари болалар боғчаси сифатида фаолият бошлаган мазкур шифохона уруш йилларида ҳарбий госпиталь, 50-йилларга келиб эса болалар сил касалликлар санаторийсига айлантирилди. 60-70-йиллар мобайнида 250 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси аҳолига хизмат қила бошлаган. Кейинчалик ўринлар сони қисқариб, даволаш-профилактика ишлари кучайтирилгач, шифохонанинг аввалги ҳолати бугунги ривожланган давр талабига жавоб бермай қолди. Қурилиш структураси нисбатан эскирган бино ўрнига 2009 йил «Меҳр нури» фонди томонидан замонавий типдаги болалар юқумли касалликлар клиник шифохонаси фойдаланишга топширилди. Бинонинг ташқи ва ички қиёфаси аввалги кўринишидан тубдан фарқ қилиб, зарурий асбоб-анжомлар, диагностика жиҳозлари ва керакли шарт-шароитлар билан тўлиқ таъминланган. Эътироф этиш жоизки, фарзандларимиз соғлиги учун «Меҳр нури» фонди томонидан яратилган бундай кенг имкониятлар биргина жамоамиз ходимларини эмас, балки шаҳар аҳлини ҳам ғоят хурсанд этмоқда.

**– Шифохона ичидаги тартиб-интизом ва беморларга кўрсатилаётган муомала маданиятининг иш фаолиятдаги аҳамияти қанчалик муҳим, деб ҳисоблайсиз?**

– Шифохонанинг бош мақсади – ширин муомала, ҳалоллик, покизалик ва касбга фидойилик ҳисобланади. Чунки, фаолият юритаётган ҳар бир ходим юқоридаги фазилатларга эга бўлиши талаб этилади. Шу боис, жамоадаги барча шифокору ҳамшираларга беморлар билан илиқ муносабатда бўлиш жуда муҳим. Аҳамият берган бўлсангиз, муассасада тозаликни сақлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, тартиб-интизом масаласи ҳам устувор вазифа ҳисобланади. Даволанишга келган беморлар ҳам шифохонадаги барча қонун-қоидалар ва талабларга ижобий муносабатда бўлишиб, яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

**– Бевосита муассаса фаолиятига келадиган бўлсак, замонавий ташҳис ва даволашнинг бугунги истиқболлари қандай самара бермоқда?**

– Ривожланаётган тиббиёт ҳар бир мутахассисдан тезкорлик ва етук тажрибани талаб этади. Касбимизнинг мураккаблиги ҳам шундаки, биз асосан 14 ёшгача бўлган болалар билан ишлаймиз. Улардаги касалликка тўғри ташҳис қўйиш ва даволаш осон кечадиган жараён эмас. Ҳозирги вақтда шифохонада бешта даволаш бўлими мавжуд. Қабул бўлимига ўткир диарея, сальмонеллёз, дизентерия, рота вирус инфекцияси, вирусли гепатитнинг «А» ва «В» турлари, сепсис тарқоқ бўйича беморлар мурожаати қабул қилинади ва тезкор даволаш муолажалари олиб борилади. Мазкур бўлимда муолажа, санитар-тозалаш ва бемор ётадиган хоналар замон талабига мос ҳолда қайта қурилиб, жиҳозланди. «Меҳр нури» фонди томонидан УЗИ аппарати, реанимация учун зарур бўлган барча тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория бўлимида гематология анализатори, биохимия, ИФА сингари жиҳозлар, стерилизация, дорихона бўлимлари эса керакли анжомлар билан таъминланди. Муассасада даволаш ишлари бепул амалга оширилади. Дорихона бўлимида барча дори-дармонлар етарли миқдорда бўлиб, боланинг тез фурсатда соғайиб кетишига ёрдам беради. Шароитларнинг яхшилиги бевосита она ва бола руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Биринчи галда ширин муомала бўлса, иккинчи ўринда яратилган кенг имконият касалликнинг эрта бартараф этилишига замин яратади.

**– Болалар соғлигини сақлаш билан бирга оналар саломатлигини муҳофаза қилиш қонун устуворлиги билан кафолатланган. Шу боис бўлса керак, давлатимиз томонидан мазкур масалага жиддий эътибор қаратилган. Айтингчи, шифохонада меъёрий қонун ҳужжатларининг амалдаги ижроси қандай натижаларни бермоқда?**

– Қонун устувор бўлган юртда ривожланиш бўлади. Давлатимиз раҳбарининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга оид қарори юзасидан шифохонада ишчи режа тузиб олиниб, шу йўсинда зарурий чора-тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, муассасамизга келган фертил ёшидаги аёлларга махсус анкета очилиб, терапевт, кардиолог ва УЗИ текширувлари олиб борилади. Агарда уларда экстрагенитал касалликлар аниқланса, шифокор-гинеколог кўригига тавсия этилади. Ҳар бир бўлимда она ва бола соғлигига қаратилган кўргазмали стендлар ўрин олган бўлиб, бу ҳам ўз навбатида аёлларнинг тиббий саводхонлиги ва маданияти ошишига хизмат қилади. Чунки, касалликни эрта аниқлаш ва олдини олиш, аввало, ўзимизга боғлиқ. Ота-оналар ҳам бу масъулиятни кўпроқ ҳис этиб турсалар, болаларнинг турли юқумли касалликларга чалиниб қолиш эҳтимоли камайган бўлар эди. Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган бошқа меъёрий қонун ҳужжатларида ҳам кўпроқ эътибор она ва бола саломатлигига қаратилган. Ҳар ҳафта ёш оналар билан болаларда кечадиган турли касалликлар бўйича давра суҳбатлари ўтказиб турамиз. Уларга шифокор маслаҳатларини берамиз. Шунингдек, «Соғлом она – соғлом бола» мақсадли дастури асосида ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

## *Шаҳар 4-сон юқумли касалликлар клиник шифохонаси...*

- ***150 ўринга мўлжалланган уч қаватли махсуслашган даволаш ва ёрдамчи бинолардан иборат;***
- ***илк ойдан 14 ёшгача бўлган болалар ўткир юқумли ичак ва мавсумий вирусли гепатит касалликлари билан даволанади;***
- ***бир йилда шифохонада 5500 дан 7500 гача бемор даволанади;***
- ***беморларга 23 нафар шифокор ва 100 нафарга яқин ҳамшира малакали тиббий хизмат кўрсатади.***















## *Дил изҳори*

*Уч ойлик ўғлим Бекзод қаттиқ безовталаниб, иситмаси тушавермагач, шошилинч равишда мазкур шифохонага олиб келдик. Боламда ичкетар аломатлари аниқлангач, тезда даво муолажаларини бошлаб юборишди. Чақалоқлар бўлими мудири Дилором Аҳророванинг амалий ёрдамлари туфайли болам ўзини яхши ҳис этмоқда. Бўлимда она ва бола учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўғлимни юқумли касалликлардан даволаб, соғайиб кетишига ўз ҳиссаларини қўшган барча тиббиёт ходимларига ўзим ва оила аъзоларим номидан чексиз миннатдорчилик билдираман.*

**Хуршида ТЎРАЕВА,**
**Тошкент шаҳри.**

***Шифохонада яратилган соғлом муҳит, тоза ва озода хоналар, ҳовли саҳнидаги гўзал фаввoрадан тортиб, дам олиш айвончасигача бўлган ажойиб манзара ҳар бир киши эътиборини тортмай қолмайди. Айниқса, танасидаги дарддан бутунлай фориғ бўлиб, шодон кайфиятда юрган болакайларни кўриб, хаёлингдан: «Эй, соғлом миллат яратувчиси – сенинг эртанг порлоқ, сени Ватан ва нурли истиқбол кутажак», деган фикр кечади.***

***Дарҳақиқат, фарзандларимиз соғлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган ўз касбининг фидойилари бўлган Тошкент шаҳар 4-сон юқумли касалликлар клиник шифохонаси ходимлари ишига улкан муваффақият тилаб қоламиз.***

**Суҳбатдош Намоз ТОЛИПОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** *шифохона фаолиятидан лавҳалар.*
**Сурат муаллифи Собир МАЖИДОВ.**

**Газетамизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**



## Соғлом она – соғлом бола

# БУ СИЗ УЧУН БАХТЛИ ОНЛАР

**Ҳомиладорлик даврида юзага келадиган баъзи муаммолар**

Агар аёлни турмуш ўртоғи, қариндошлари ва дўстлари қўллаб турсалар, у ўзини яхши ҳис этади: ҳаётида муҳим воқеа содир бўлаётгани ва бу ҳолати уни авайлашга арзигулигини ҳис қилади, ўзи ҳам ёқимтой кўрина бошлайди. Шунга қарамай, ҳомиладорлик даврида юзага келадиган баъзи муаммолар тўғрисида билиб олиш фойдалидир.

**Кўнгил айниши** ҳомиладорликнинг эрта муддатларида (эрта токсикоз) бўлажак она организмининг янгича ҳолатга мослашишидан юзага келади. Бунга қарши курашишга ёрдам берувчи бир неча маслаҳатлар:

** Эрталаб ўрнингиздан турмасдан бирор нарса енг, масалан, печенье, бир бўлак қуруқ нон, озгина майиз ёки туршак. Ўзингизни авайлаб ўрнингиздан туринг.*

** Тез-тез ва кам миқдорда овқатланинг. Овқатланишдан сўнг кескин ҳаракат қилманг.*

** Сизга ёқмайдиган маҳсулотлар ва ҳидлардан йироқ бўлинг, ёғли, оғир таомларни еманг.*

**Преэклампсия** ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида учрайдиган асорат бўлиб, у қон босими ошиши, шиш пайдо бўлиши билан кечади ҳамда даволашни талаб қилади.

**Зарда қайнаши,** қизилўнгач ачишиши ҳам ҳомиладор аёлнинг бетоблигига киради. Шу сабабли ёғли ва аччиқ таомларни истеъмол қилманг. Шунингдек, тез-тез ва кам миқдордаги овқатланиш ҳам ёрдам беради. Ухлаш пайтида тана юқори қисми остига баланд ёстиқ қўйиш тавсия этилади.

**Сут безидаги ўзгаришлар.** Дағалланиш, сезувчанлик ошиши, кўкрак учи катталашиши ва ранги ўзгариши кузатилади. Бу аломатлар кўкракнинг туғруққа тайёрланиб боришининг белгиси бўлиб, хавотирланишга ўрин йўқ.

**Бадан териси чўзилиши ва чизиқлар пайдо бўлиши.** Туғруқдан сўнг чизиқлар қолади, бироқ ранги ўзгаради ва камроқ пайқаладиган бўлади.

**Доғлар.** Бадан терисининг баъзи қисмларида (юз, кўкрак, қорин ва бошқа жойлар) қорамтир доғлар пайдо бўлади. Булар ҳомиладорликка хос аломатлар бўлиб, бола туғилганидан кейин ғойиб бўлади.

**Қабзият.** Бу ҳолатни қуйидаги йўллар билан бартараф этиш мумкин:

** Эрталаб наҳорда кўнглингиз кўтаргунча иссиқ сув ичинг.*

** Турли хилдаги, асосан янги узилган ва маҳаллий бўлган сабзавот-мевалар ҳамда йирик тортилган ундан ёпилган нон (зоғора) кабиларни истеъмол қилинг.*

**Қўл ва оёқлар шиши** – ҳомиладорлик даврида тез-тез учрайдиган муаммолардан бўлиб, айниқса, иссиқ пайтларда ёки аёл узоқ вақт тик турганида кузатилади. Имкон қадар қулай кийим ва пойабзал кийиш тавсия этилади, ўтирганда эса оёқларингизни қулай ҳамда юқорироқ тутинг.

**Қон томирларининг варикоз кенгайиши.** Баъзан қон томирлари (оёқ томирлари) кенгайиши мумкин, бу ҳомиладорликда қон айланишининг қийинлашиши билан боғлиқдир. Кўп тик турманг, оёқларингизни чалиштириб эмас, курсичага қўйиб ўтиринг. Пошнасиз пойабзал кийинг, эрталаб жойингиздан турганда махсус, оёқни жипс ушлаб турувчи пайпоқ кийганингиз маъқул.

**Бавосил (геморрой)** – орқа ахлат йўли томирларининг шишиши натижасида қичишиш ва оғриқ пайдо бўлади. Бавосилнинг энг яхши давоси, бу қабзиятнинг олдини олишдир.

**Бел оғриғи.** Боланинг ўсиши ва вазминлашиши туфайли онанинг умуртқа поғонасига юк тушади, бу юк белга оғриқ беради. Аҳволни янада оғирлаштирмаслик учун тик ҳолда узоқ турманг ва оғир юк кўтарманг. Жисмоний машғулотларни бажариш фойдалидир.

**Баъзи бир маслаҳатлар:**

** Паст пошнали пойабзал кийинг.*

** Бирон оғир нарсани кўтармоқчи бўлсангиз эгилманг, тиззаларингизни букиб кўтаринг.*

** Юкни иккала қўлингизда кўтаринг.*

** Уй юмушларини бажаргангингизда (кир ювиш, уйни йиғиштириб-тозалаш, таом тайёрлаш, ҳовли супуриш ва ҳоказо) эгилмасликка ва умуртқа поғонангизни букмасликка ҳаракат қилинг.*

**Оёқлар томири тортишганда** ўша жойни яхшилаб уқаланг – қон югуради. Агар томир тортишиши тез-тез қайтарилса, врачга мурожаат қилиш зарур.

**Ҳансирашда** очиқ ҳавода сайр қилиш яхши ёрдам беради. Агар ҳансираш ухлашга ҳалал берса, унда бош ва елкалар остига ёстиқ қўйиб ётинг.

**Кайфиятдаги ўзгаришлар.** Ҳомиладорлик пайтида тушкунликка тушиш ва тажанглик ҳолатлари ҳам кузатилади. Одатий ишларингиз билан машғул бўлишга ҳаракат қилинг, фикрингиз банд бўлиши учун ҳар куни уйда ёки ундан ташқарида ўзингизни қулай юмуш билан чалғитинг. Агар кайфият ўзгариши кескин бўлса, шифокор билан маслаҳатлашишга турмуш ўртоғингиз билан бирга боринг.

**Уйқусизлик** – уйқунинг камчилигини тушдан кейинги дам олиш билан тўлдиринг.

**Чарчаш ва тез толиқиш** – кўпроқ дам олишга ва тоза ҳавода сайр этишга ҳаракат қилинг.

Юқорида тилга олинган муаммолар ҳомиладорлик давридаги одатий ҳол бўлиб, улар ноқулайлик туғдирса-да, лекин жиддий зарар келтирмайди.

Аммо қуйидаги муаммолар содир бўлиши биланоқ, дарҳол врачга мурожаат қилиш даркор.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бухоро вилояти «Авиценна» болалар шифокорлари уюшмаси билан Буюк Британия «HealthProm» нодавлат ташкилоти мутахассислари ҳамкорлигида тайёрланди.**

*Ота-оналарга маслаҳат*

# ГЎДАКЛАРДА ТАЪМ ВА ҲИД БИЛИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Болангиз қорнингизда бўлган вақтда унинг оғзи ҳомила атрофидаги сув билан тўлиб туради. Охирги уч ойнинг бошларида унинг таъм билиш қобилияти ҳомила атрофидаги сув мазасининг ўзгаришини сезиш даражасида ривожланган бўлади. Бу вақтга келиб унинг таъми янада ширинроқ бўлиб, бола кейинчалик озиқланадиган она сутини эслатади. Булардан ташқари, агарда ҳомиладорлик вақтида айрим маҳсулотларни алоҳида хуш кўрган бўлсангиз, уларнинг таъми бола туғилишига қадар унга таниш бўлади, чунки ҳомила олди сувининг таъми нима еганлигингизга қараб ўзгаради. Гўдак бу таъм ҳисларини эслаб қолади ва туғилганидан сўнг она кўкрагини эмаётганда уларни таниш қобилиятига эга бўлади.

Биринчи ойларда таъм ҳисси жуда тез ривожланади – болага барча янги ҳислар қизиқарли бўлиб, шу сабабли у қўли етган барча нарсаларни оғзига солишга ҳаракат қилади – бу қизиқарли предметнинг мазасини билишга интилади. Бу ҳол боланинг очиққанлиги белгиси бўлиши шарт эмас – у синчков, янгиликларга чанқоқ. Болангизга интуитив равишда ширин таъм кўпроқ ёқиши шубҳасиздир. Шўр ёки нордон таъмларни татиб кўриб юзини бужмайтириши мумкин. Лекин унга айримлари унча ёқмаса-да, турли янги таъмлар жуда қизиқарлидир. Бу унинг бош миясида янги алоқалар жамланишига ёрдам беради. Ёдингизда бўлсин, гўдагингиз ҳар сафар янги таъмни татиб кўрар экан, унинг шахси ривожланиб боради!

Бола туғилганида унинг ҳид билиш қобилияти жуда яхши ривожланган бўлади. Бу унинг кўриш қобилияти туғма сустлиги билан изоҳланади – бунинг ўрнига табиат унга таянган ҳолда сезиш, товушларни эшитиш ва ҳид билиш қобилиятини беради. Туғилган заҳоти бола ота-онасининг фақат уларга хос бўлган ҳидини фарқлай олади. У ҳид сезиш қобилиятидан фаол фойдаланиб, катта одамлардан фарқли равишда унга кўпроқ ишонади. Унга яқинлашган вақтингизда, фақат ўзингизга хос, қадрдон ҳидингиз унга янги, нотаниш бўлган вазиятда дадиллик беради. Бу бола учун ҳаётининг биринчи ҳафталарида жуда муҳимдир. Шу сабабли болани кўпроқ қўлингизга олиш, уни қучоқлаш ва бағрингизга босиш фойдалидир. Ахир бола учун ҳар бир янги кун – кўплаб умуман янги ҳислар, жумладан янги ҳидлар олиб келади. Агарда унга таниш ва қадрдон ҳислар бўлса, ушбу улкан, нотаниш дунёда у хотиржам бўлади. Гўдагингиз сизни ҳис қилса, ҳар тарафдан унга ёпирилиб келаётган маълумотлар ичида унинг учун стресс ҳисобланган вазиятларга тайёр бўлади.

Ривожланган ҳид сезиш қобилияти уни кейинчалик кўкракдан ажратишда жуда муҳимдир. Илк даврдан уни ўраб турган кўпгина ҳидларни танийди ва эслай олади. Овқат ҳиди бола учун айниқса қизиқарли ва мароқли ҳисобланади. Болани кўкракдан ажратишдан анча аввал у бошини мазали ҳидлар томонга буриб, овқатланаётган вақтингизда синчковлик билан ҳидлаб, хатти-ҳаракатларингизни кузатишини ота-оналар жуда кўп сезганлар. Бу меъёрдаги ва ажойиб ҳолдир – болани кўкракдан ажратган заҳоти у ҳис қилаётган ҳидларни овқат таъми билан боғлашга интилади. Шу тарзда бош миясининг турли сезги органлари учун жавоб берувчи соҳалар ўртасида янги алоқалар вужудга келади.



Бироқ, олимларнинг фикрига қараганда, вақт ўтиши билан кўриш, эшитиш, ҳис қилиш қобилиятлари ривожланиб борган сайин ҳидлар ва ҳид сезиш қобилиятининг роли пасайиб боради. Бу табиий жараёндир, негаки, кейинчалик ҳаёт давомида ҳид сезиш қобилияти эшитиш, кўриш ва гапириш қобилиятига нисбатан камроқ аҳамиятга эга бўлади. Бироқ, бу гўдак туғилиши билан унинг ҳид сезиш қобилиятини ривожлантириш зарур эмас, деган маънони англатмайди. Янги туғилган чақалоқ миясининг барча қисмлари бир-бири билан боғланган ва мажмуавий тарзда ривожланади. Уйғунлик, мувофиқлик унинг янада тез, динамик ва тўлақонли ривожланишига ёрдам беради.

**МАСЛАҲАТ:**

***1. Янги таъмлар кўпроқ бўлсин. Сиз ҳар қандай катта ёшдаги инсон каби «шўр», «нордон», «нордон-ширин» таъмларни анчадан бери ва жуда яхши биласиз. Гўдак учун эса бу таъмлар мутлақо нотанишдир. Ишонинг, у кўпроқ билишни жуда истайди ва сизга янги қизиқарли ҳамда мароқли ҳислар учун ўз миннатдорчилигини билдиради. Кичкина билимдонга янги таъмнинг ҳиди келаётган бармоғингизни сўриб кўришга беришингиз мумкин.***

***2. Ота бола билан кўпроқ мулоқотда бўлиши зарур. У отанинг ҳидига ҳам ўрганиши керак. Сизнинг ва отасининг ҳидини таққослар экан, ўртангиздаги фарқни кўпроқ билади, атроф-муҳитга ўрганиши осонроқ кечади.***

***3. Гуллар, енгил атир иси, овқат ҳиди, товушлар ва сайр қилиш вақтидаги табиат ҳидлари болангиз учун янгилик бўлиб, буларнинг бари унга жуда қизиқарлидир. Гўдагингизга тўлақонли ва уйғун ривожланиш имконини беринг.***

***4. Унинг эътиборини янги ҳидлар ва таъмларга қаратинг, ушбу улкан дунёда унинг тилмочи бўлинг. Эсда тутинг – товушлар, ҳидлар, таъмлар ҳар қандай катта ёшдаги инсонлардан фарқли равишда гўдак учун катта аҳамиятга эга – бола биздек эмас, у дунёни умуман бошқача идрок этади. У сингари ўйлашга ҳаракат қилиб кўринг, ундан ўрганинг. Меҳрга тўлган ички ҳисларингиз ва билимингиз ёрдамида гўдагингизга ёқадиган, унга фойдали бўлган нарсаларни тезда англаб оласиз!***

**Мақола Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси мутахассислари томонидан тайёрланди.**

*Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлом оила-жамият мустаҳкамлиги ва мамлакат барқарорлиги омили» лойиҳаси асосида тайёрланди.*



Советы молодым матерям

***Долгожданный малыш... Его появление на свет становится настоящим праздником и самым счастливым днем в жизни его родителей. Отцовство и материнство – очень сложные роли, грамотно справиться с которыми может далеко не каждый. Первые месяцы и годы жизни ребенка являются испытательным периодом, в течение которого проверяются и тренируются терпение, выноска и любовь к своему малышу. Мы пообщались с врачом-неонатологом Первой республиканской клинической детской больницы Нигорой РАХИМОВОЙ, чтобы узнать основные моменты, которые должна знать любая мать.***

# О ЦЕННОСТИ МАТЕРИНСКОГО МОЛОКА

**– Известно, что грудное молоко матери является главной пищей в первые месяцы жизни ребенка. Расскажите, пожалуйста, о тех компонентах, содержащихся в грудном молоке, которые делают его таким незаменимым?**

